К.М.МАХКАМДЖОНОВ, Р.Д.АЛИМБОЕВА, У.Р.РАДЖАПОВ

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

К.М.Маҳкамджонов, Р.Д.Алимбоева, У.Р.Раджапов

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2018

Методик қўлланма, икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида назарий материаллар, методлар, воситалар, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси, ҳамда технологияси берилган.
Иккинчи қисми бошланғич таълим ёшидаги болалар билан ўтказиладиган ҳаракатли ва кўнгил очар ўйинлар, спорт йўналишидаги миллий ва ҳаракатли ўйинларни ўтказиш технологияси, жисмоний машқлардан ташкил топган.

5111700- Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши бўйича ўқув режасининг "Жисмоний маданият назарияси ва методикаси" фанига суянган ҳолда бошланғич таълим ёшидаги болаларга муносиб бўлган ўйинларни саралаб олиш асосида методик қўлланма ишлаб чиқилган. Бу ўйинларни оддийлаштириш ва мураккаблаштириш мумкин. Бу ўқувчи болаларнинг жисмоний тайёргарлигига боғлиқ. Шунинг учун ушбу методик қўлланмани мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиларига ҳавола қиламиз.

**Тақризчилар:**
**Б.С.Абдуллаева**- Низомий номидаги ТДПУ п.ф.д.профессор
**П.Хўжаев**- БЎСМХҚТУМОМ профессор

Мазкур методик қўлланма Низомий номидаги ТДПУ ўқув-услубий Кенгашининг 2018 йил 1 июндаги 10-сонли йиғилиш қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 5 март куни "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқариш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида № ПФ 5368 сонли фармони имзоланди. Бунда оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш, соҳани малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш масалаларига хужжат асосини ташкил этади[1].

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, тегишли вазирлик ва қўмиталар раҳбарлари иштирок этди. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради. Турли касалликлар, ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олади. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди. Мустақиллик йилларида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилди. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари бунёд этилди. Республикамизда ўтказилаётган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари ёшларни оммавий спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш воситасига айланди. Истеъдодли болаларни танлаш ва профессионал спортчиларни тайёрлаш бўйича узлуксиз тизим яратилди. Умумтаълим мактаблари ва болалар спорт мажмуаларидаги машғулотларда қобилияти кўзга ташланган ўғил- қизлар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт коллежларига олиниб, профессионал ёндашувлар асосида тарбияланмоқда. Олий ўқув юртлари ва ўқув- йиғин машғулотларида маҳоратини оширмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз спортчилари жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак ғалабаларни қўлга киритиб, халқимиз салоҳиятини бутун дунёга намоён қилмоқда. Хусусан, спортчиларимиз 2016 йили Бразилияда ўтган Олимпия ўйинларида 13 та, Паралимпия ўйинларида 31 та медалларга сазовор бўлиб, юртимиз спорти тарихидаги энг юқори натижаларга эришди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз спорти ривожида янги даврни бошлаб берди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинди. Аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, шаҳар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалар ўтказиш, Миллий

[1] Манба : president.uz. "Халқ сўзи".2018 йил 6 март.

**К.М.Маҳкамджонов, Р.Д.Алимбоева,У.Р.Раджапов**

# Бошланғич синф ўқувчилари билан ҳаракатли ўйинлар ўтказиш методикаси

**(Олий таълим муассасаларининг "Жисмоний маданият" йўналиши талабалари ва ёш жисмоний тарбия ўқитувчилари учун методик қўлланма)**

Адади 50 нусха. Бичими 60х84 1/16

Босма табоғи 5,2. «Times New Roman» гарнитураси.

Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб 103.